

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Хоразм вилояти қурилиш  
бош бошқармаси бошлиғи



“ 06 ” 10 2022 йил

Б.Каримов

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Хоразм вилояти  
хоқими ўринбосари



06 2022 йил

Б.Қурбанов

**«КЕЛИШИЛДИ»**

Вилоят соғлиқни сақлаш  
бошқармаси бошлиғи



« » 2022 йил.

И.Хажиев.

**«КЕЛИШИЛДИ»**

Хоразм вилояти хоқимлигининг  
ЯБХИК директори



2022 йил.

Ш.Отаев.

**ЛОЙИҲАЛАШ ТОПШИРИҒИ**

**Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги эндокринология  
диспансерига қўшимча бино қуриш объекти бўйича**

Урганч шаҳар -2022 йил

№	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Асосий маълумотлар ва талаблар мазмуни
	2	3
1	Объектнинг номи	Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги эндокринология диспансерига қўшимча бино қуриш
2	Объектнинг манзили	Хоразм вилояти Урганч шаҳар Ж.Мангуберди кўчаси 16 уй
3	Лойиҳалаш учун асос	1. Хоразм вилояти хокимининг 2022 йил 10 октябрдаги 286-12-0-F/22-сонли фармойиши. 2. Хоразм вилояти Қурилиш бош бошқармаси Урганч шаҳар қурилиш бўлимининг 2022 йилдаги МРТ-1-II ҳужжатлари
4	Буюртмачи	Хоразм вилояти хокимлигининг “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси
5	Бош лойиҳачи	Танлов (тендер) савдолари натижалари билан белгиланади.
6	Бош пудратчи	Танлов (тендер) савдолари натижаларига асосан
7	Қурилишни бошланиши ва якунланишининг муддати.	2022 йилда бошланади. 2023 йилда тугалланади.
8	Лойиҳалаштириш босқичи	Бир босқичли ишчи лойиҳа.
9	Қурилиш тури	Янгидан қуриш
10	Молиялаштириш манбаи	Маҳаллий бюджет маблағлари.
11	Қурилиш майдони ҳақида маълумот ва режалаштириш чекловлари. Махсус геологик ва гидрогеологик шароитлар (қурилиш майдони характеристикаси)	Мухандислик-қидирув ишлари хулосасига биноан. Зилзила райони - <u>7</u> балл Зилзилабардошлик - <u>8</u> балл Тупроғи - Чўкмайдиган Тупрокни музлаш чуқурлиги - <u>0,7</u> м Шамол босими - <u>38</u> кгс/м2 Қор қатлами оғирлиги - <u>50</u> кг/м2, ҳамда мухандислик изланишлари натижалари асосида
12	Турар жойлар, жамоатчилик бинолари, ободонлаштириш, мухандислик тармоқлари	Худуднинг эскиз схемасида аҳоли пунктининг мавжуд ҳолати ва лойиҳа таклифларида акс эттирилади.
13	Таклиф қилинадиган бино иншоатлар, инфратузилма объектлари, мухандислик тармоқлари ва уларнинг қурилишига қўйиладиган талаблар.	<p>Лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси ҳамда бошқа метёрий ҳужжатлар СанПИН, ҚМҚ, тегишли ташкилотларни техник шартлари асосида.</p> <p>Бажариладиган ишлар қизил чизиқдан чиқмаган ҳолда бажарилади.</p> <p>Тасдиқланган худуднинг схемаси асосида худудни батафсил режалаштириш схемалари бош режа ишлаб чиқилади.</p> <p>Бош режа, Технология лойиҳаларини - вилоят архитектура бошқармаси, шаҳар архитектура бўлими, фойдаланувчи ташкилот билан келишиш, худуднинг батафсил режалаштириш схемасида мухандислик тармоқлари техник шартлар асосида лойиҳаланиб, мавжуд мухандислик тармоғига улансин. Тармоқ эгалари билан келишилади. Турли хил конфигурациялар ёрдамида бинолар таркибини Урганч шаҳар санитария–эпидемиология осойишталик марказининг ва Урганч шаҳар фавқулодда вазиятлар бўлимининг гигиеник ҳамда техник шартларига асосан лойиҳалаштириш.</p> <p><b>Қуйидагилар назарда тутилсин :</b></p> <p><b>3 қаватли блок янгидан қуриш :</b></p> <p><b>1-қават: - Поликлиника, диагностика, нур диагностика (рентгенография, компьютер томограф).</b></p> <p>-Ушбу қаватда қуйидаги хоналар кўзда тутилиб лойиҳалансин ; Нур диагностика, (компьютер томография) хонаси СанҚваМ №0193-06 талабларига асосан муолажа хонаси бта, аккумулятор хонаси, пулт бошқарув хоналари лойиҳалансин. Эндокринологлар хоналари, ЭКГ ва кардиолог, невропотолог, невролог-уролог, диабетик панжа бўйича хирург, окулист, гинеколог врач хоналари, педиатрист хонаси, УТГ хонаси, врач олди хонаси, бўлим мудир ва катта хамшира хонаси, бўлим бекаси, рўйхатхона, касса, беморлар учун кутиш жойлари, фитобар, гардероб, сан.узел.</p> <p><b>Пойдевор -</b> подошваси қуйма темир-бетондан, ер ости сувлари яқинлигини инобатга олиб, бетон маркалари лойиҳа асосида ҳисоб-китобларга асосан, намликдан ҳимояловчи воситалардан фойдаланиб, шамоллатиш туйникчалари (продухлар) ўрнатиб лойиҳалансин ;</p> <p><b>Деворлар –</b> Пишган гиштдан М75 ли, цемент коришмаси М50 ли, ташки девор қалинлиги 380мм, ички юк кўтарадиган ва ўз юкини кўтарадиганлари асосий деворлар 380мм, ички ора-ажратма парда деворлари 120ммли, зилзилабардошлик талаблари бажарилиб лойиҳалансин ;</p> <p><b>Перемычка –</b> ШНҚ, ҚМҚ талаблари асосида лойиҳалансин ;</p> <p><b>Дераза ромлари –</b> форточкали, пластик, ПВХ ромлардан, дезинфекцияловчи</p>

воситалар таъсирига кулай қилиб, ўлчамлари лойиҳа талаблари асосида лойиҳалансин ;

**Эшиклар**- алюмин профилдан, МДФдан, эшик деразалари герметикдан. (Нур диагностика) муолажа ва бошқарув хонасига кириш эшиклари махсус радиацияга қарши қўрғошин сингдирилган эшиклар лойиҳалансин ;

**Ташқи эшиклар** - металл, алюмин ромлардан лойиҳалансин ;

**Поллар** –хоналари сирпанмайдиган юзаси бўлган катта ўлчамдаги керамик плиткалардан, хизмат хоналари, шифокорлар хоналари, ўқув хоналари тиббий линолеумдан. Вестибюль, коридорлар, фаелар, дахлизлар мрамордан, поллар юзалари текис силлиқ, тешикчаларсиз, дезинфекцияловчи воситалар таъсирига чидамли ва ювишга кулай қилиб, санузеллар сирпанмайдиган юзаси бўлган керамик плиткалардан лойиҳалансин ;

**Ички пардозлаш** – хоналарни деворлари энг камида 1,60м баландликда кафель, юқори қисми сувоқ устидан шпаклёвка билан текисланиб мойли бўёқ билан бўёқлаш. Шамолатиш тизими учун 2,8м баландликда сунъий шамоллатиш тизими ўрнатиб лойиҳалансин. (Нур диагностика) муолажа ва бошқарув хонаси деворлари 5см қалинликда баритли сувоқ қилиниши устидан мойли бўёқ билан бўёқлаб лойиҳалансин ;

**Шифт** – хоналар, коридорлар, фаелар, дахлизлар сувоқ устидан шпаклёвка билан текисланиб мойли бўёқ билан бўёқлаб лойиҳалансин. (Нур диагностика) муолажа ва бошқарув хонаси шифтлари 5см қалинликда баритли сувоқ қилиниши устидан мойли бўёқ билан бўёқлаб лойиҳалансин ;

**2-қават: - Кандли диабет асоратларини хирургик ва реконструктив даволаш бўлими (операция хонаси ва реанимация билан бирга).**

-Ушбу қаватда қуйидаги хоналар кўзда тутилиб лойиҳалансин ;

Беморлар учун палаталар, врачлар хонаси, катта хамшира хонаси доридармонларни сақлаш хонаси билан, боғлов хонаси, реанимация зали, операция олди ва операция хонаси, шлюз, материалларни ва асбоб- анжомларни тайёрлаш хоналари билан бирга, муолажа хонаси, бўлим бекаси ва тоза ҳамда ишлатилган юмшоқ анжомларни сақлаш хоналари билан бирга, ходимлар хонаси, овқат тарқатиш хонаси ва беморлар овқатланадиган зал, сан.узел.

**Дераза ромлари** – фортчкали, пластик, ПВХ ромлардан, дезинфекцияловчи воситалар таъсирига кулай қилиб лойиҳалансин ; ўлчамлари лойиҳа талаблари асосида лойиҳалансин ;

**Эшиклар**- алюмин профилдан, МДФдан, эшик деразалари герметикдан лойиҳалансин ;

**Поллар** –хоналари сирпанмайдиган юзаси бўлган катта ўлчамдаги керамик плиткалардан, хизмат хоналари, шифокорлар хоналари, палаталар, заллар тиббий линолеумдан. Вестибюль, коридорлар, фаелар, дахлизлар қалинлиги талабларга жавоб берадиган мрамордан, поллар юзалари текис силлиқ, тешикчаларсиз, дезинфекцияловчи воситалар таъсирига чидамли ва ювишга кулай қилиб, санузеллар сирпанмайдиган юзаси бўлган керамик плиткалардан лойиҳалансин ;

**Ички пардозлаш** – хоналарни деворлари энг камида 0,5м баландликда кафель, юқори қисми сувоқ устидан шпаклёвка билан текисланиб мойли бўёқ билан бўёқлаб, деворларнинг беморларни ташийдиган каталкалар тегиши мумкин бўлган қисми ёғоч материаллардан. Шамолатиш тизими учун 2,8м баландликда сунъий шамоллатиш тизими ўрнатиб лойиҳалансин ;

**Шифт** – хоналар, коридорлар, фаелар, дахлизлар сувоқ устидан шпаклёвка билан текисланиб мойли бўёқ билан бўёқлаб лойиҳалансин ;

**3-қават: - Маъмурият, “диабетиклар мактаби”, архив ва ўқув амалиёт хоналари**

-Ушбу қаватда қуйидаги хоналар кўзда тутилиб лойиҳалансин ;

Талаба ва ординаторлар учун машғулот ўтиш зали, хамширалар узлуксиз таълим ўқув хонаси, “ўз-ўзини назорат қилиш” диабетиклар мактаби хонаси, архив, бош хамшира, бош врач ўринбосари, қабулхона, бош врач хонаси, диет хамшира хонаси, бош ҳисобчи ва ҳисобхона, ғазначи хонаси, статист хонаси ТХ бўйича муҳандис хонаси, АКТ бўйича техник хонаси, хўжалик мудири хонаси, кадрлар бўлими хонаси, эпидемиолог хонаси, мажлислар зали, сан.узел ва бошқа хоналар.

**Дераза ромлари** – фортчкали, пластик, ПВХ ромлардан , дезинфекцияловчи воситалар таъсирига кулай қилиб лойиҳалансин ; ўлчамлари лойиҳа талаблари асосида лойиҳалансин ;

**Эшиклар**- алюмин профилдан, МДФдан, эшик деразалари герметикдан лойиҳалансин ;

**Поллар** –хизмат хоналари, шифокорлар хоналари, заллар тиббий линолеумдан. Вестибюль, коридорлар, фаелар, дахлизлар қалинлиги талабларга жавоб берадиган мрамордан, поллар юзалари текис силлиқ, тешикчаларсиз, дезинфекцияловчи воситалар таъсирига чидамли ва ювишга кулай қилиб, санузеллар сирпанмайдиган юзаси бўлган керамик плиткалардан лойиҳалансин ;

**Ички пардозлаш** – хоналарни деворлари энг камида 0,5м баландликда кафель, юқори қисми сувоқ устидан шпаклёвка билан текисланиб мойли бўёқ билан

бўёқлаб, деворларнинг беморларни ташийдиган каталкалар тегиши мумкин бўлган қисми ёғоч материаллардан. Шамолатиш тизими учун 2,8м баланликда сунъий шамоллатиш тизими ўрнатиб лойихалансин ; Кадрлар бўлими хонасида ходимлар ва кадрлар инспектори иш жойини ажратиб турувчи алоҳида тўсик ўрнатиб лойихалаш шарт ;

**Шифт** – хоналар, коридорлар, фаелар, дахлизлар сувоқ устидан шпаклёрка билан текисланиб мойли бўёқ билан бўёқлаб лойихалансин ;  
Сан.узел,душ, муолажа, дори-дармон сақлаш, боғлов, хўжалик бекаси хоналарида электр вентиляция ўрнатиб лойихаланиши шарт ;

**Том қисми** - иссиқ-совуқдан химояловчи воситалардан, том парапет деворларида шамоллатиш туйнукчалари (продухлари) ўрнатилиб, ёғоч каркас ва бўялган металл қоплама энг кам қалинлиги 0,5 ммдан кам бўлмаган ҳолда ҚМҚ 2.03.10-19 талаблари асосида, томнинг иссиқлик изоляцияси - қалинлиги иссиқлик техникасини ҳисоблаш асосида кенгайтирилган полистирол ёки ёнғин-кварте кумидаги шиша толали плиталар;

- Ёмғир сув қувури (водосток) - ташқи ташкил этилган ёмғир сув лотоклари ва сув қувури полимер қопламали рухланган метал қувурдан. Ёмғир сув қувурларини дренаж тизимининг ер ости дренажига чуқурлаштириб лойихалансин;

**Ташқи пардозлаш:**

**Парапет** - Пишган ғиштдан лойихалансин. Алюпан билан қоплаш .

**Фасад:** сифатли материаллар билан замонавий услубда ва дизайнда ишлаб чиқиш:

- цокол керамогранит;

- девор юзаси сувоқ, рангли буюёқлаш “травертин”;

буюртмачи билан келишган ҳолда бинонинг фасад қисмини белгиланган тартибда базальт минвата билан утепления қилиш топширилиб, унда ППЖ-(лойихачининг ҳисоби асосида) маркали 5-7 -(лойихачининг ҳисоби асосида) см қалинликдаги ГОСТ 9573-2012. дюбель ДС-1 СТО 20994510-001-2009 деворга маҳкамланиш чуқурлиги 70мм дан кам бўлмаган ва плиталарни деворга ёпиштириш учун универсал ёпиштирувчиларни ишлатишни лойихалаштириш;

-Бинога кириш қисмига - айвонли зиналар (асосий кириш қисмига тамбур ва пандусларни кўзда тутиш);

**Асосий кириш эшиги (Тамбур)** - алюмин профилдан бажарилсин.

**Пандус** - ногиронлар учун пол сирпанмайдиган брусчатка, перила – анодированный металлдан лойихалансин ;

-буюртмачи билан келишган ҳолда бинонинг фасад қисмини белгиланган тартибда базальт минвата билан утепления қилиш топширилиб, унда ППЖ-(лойихачининг ҳисоби асосида) маркали 5-7 -(лойихачининг ҳисоби асосида) см қалинликдаги ГОСТ 9573-2012. дюбель ДС-1 СТО 20994510-001-2009 деворга маҳкамланиш чуқурлиги 70мм дан кам бўлмаган ва плиталарни деворга ёпиштириш учун универсал ёпиштирувчиларни ишлатишни лойихалаштириш;

**Отмостка** – бетон қопламали қилиб лойихалансин ;

**Иситиш тизими** –барча хоналар радиаторлари замонавий биметаллик радиаторлар ўрнатиб лойихалансин;

Қўл ювиш учун умывальниклар ўрнатиб лойихалансин;

**Мухандислик тармоқлари** – п/п қувурлар назарда тутилиб лойихалаш. Ичимлик суви таъминотининг магистрал қувурларини шахталарда ётқизиш керак. “Иссиқлик манбаи” корхонасининг ёзма хулосасига асосан маҳаллий ёки марказлашган иссиқ сув тизими билан таъминлаш. Совуқ сув, иссиқ сув истеъмолчиларига қувур линиялари ва чиқиш жойларини ётқизиш девор остида (каналларда) яширинган ҳолда амалга оширилиши керак. “Аристон” кўзда тутиш, Қувур ичидаги сувнинг совушини олдини олиш учун қувурларни иссиқлик изоляциясини таъминлаш.

Кириш жойида совуқ сув истеъмоли ҳисоблагичини инобатга олиш керак.

Барча қувурлар ёпиқ ҳолатда бўлсин. Ичимлик суви қувурлари ёпиқ ҳолатда химояланган ҳолда бажарилсин.

**-Ички оқава сув тизими** - ички оқава сув тармоқлари юқори қувват ва гигиеник хусусиятларга эга бўлган ПВХ қувурлардан тайёрланиши керак. Оқава сув қувурларини шахталарга ётқизиш. Оқава сув чиқадиغان жойни ташқи оқава сув тармоғига, марказий оқава сув тизимларига улаш. Тиқилиб қолиш мумкин бўлган жойларда оқава сув қувурларини қайта кўриб чиқиш ва тозалаш имкониятини таъминлаш.

Барча қувурлар ёпиқ ҳолатда бўлсин ёпиқ ҳолатда химояланган ҳолда бажарилсин ;

Сан узелларга унитаз, душларга поддон ёки ванналар ўрнатилиши тизимга уланиш, алоҳида СанПиН талабларига асосан кварц лампалар ўрнатиб лойихалаш шарт;

**Электр таъминоти**– Бинонинг электр ёритиш тизимини лойихалаштиришда ҚМҚ 2.01.05-98 ва ҚМҚ 2.04.17-98, шунингдек электр иншоатларининг амалдаги қоидаларига (ПУЭ) мувофиқ 3 тармоқли мис симдан фойдаланган ҳолда лойихалаштириш, фавқулотда ёритишни таъминлаш. Заземления ва зануленияни кўзда тутиш. Электр энергиясини ҳисобга олиш учун электр энегиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимини (ASKUE) кўзда тутиш. включатель, розеткаларни ўрнатиб, Энергия

		<p>тежамкор ЛЭД лампалардан фойдаланиб, хоналарнинг ёриткичлари белгиланган меъёр талабларида ҳисоб-китобларга, ШНҚга асосан лойихалансин ;</p> <p>Алоҳида подстанция ўрнатиб, марказий электр таъминотига улаш, бунда алоҳида-алоҳида таъминотга эга 2 та линияга улаш, авария ёки бошқа электр таъминотида юзага келадиган узилишларда автоматик тарзда линияларни ўзгартирувчи переключатель тизимини ўрнатиб лойихалаш ;</p> <p>Барча хоналар локал интернет тармоғи ташкил этилиши орқали юқори тезликдаги шаҳар интернет тармоғига уланишига тайёр холда лойихалансин ;</p> <p>Маъмурият, бўлим мудирлари ва рўйхатхона шаҳар телефон алоқа тармоғига уланишга тайёр бўлиши назарда тутилиб лойихалансин ;</p> <p>Поликлиника бўлимига мурожаат қилувчилар учун электрон навбатга ёзилиши мосламаси ва унинг монитори ўрнатилиши кўзда тутилиб лойихалансин ;</p> <p>(Нур диагностика) (компьютер томография) хонаси ускунанинг амалдаги электр сарфи ва кучланиши, ҳамда электр таъминоти тизимига юкламаси (нагрузкеси)дан келиб чиқиб махсус кучланиш ва қаршиликка чидамли кабель тармоғини ўтказиб, “Электр таъминоти” корхонасининг техник шартларига асосан лойихалансин ;</p> <p>Объектларга саноат кооперацияси асосида ишлаб чиқилган қуёш сув иситкичларини ўрнатиш. Объектларнинг ташқи ёритиш тунги чироқларини электр таъминотига уланмасдан қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланган холда ёритиш чироқларини ўрнатилиши тавсия қилинади.</p> <p>Объектларнинг ички умумий фойдаланишдаги ертўла, йўлак, зинапоя ва хожатхоналарини ёритишда ҳаракат ва товуш сезувчи ёритиш мосламаларидан кенг фойдаланиш натижасида электр энергияси сарфи тежалишини назарда тутиб лойихалансин;</p> <p><b>Вентиляция</b> – Бинода барча хоналар табиий ҳаво алмаштириш тизимлари, сунъий шамоллатиш тизими ўрнатиб лойихалансин ;</p> <p><b>Ёнғинга қарши</b> оғохлантириш тизими (ОПС) ўрнатиш ва ўт ўчириш мосламалари билан таъминлаш.</p> <p><b>Видео кузатув</b>–Бинони ички коридорларга ва ташқи йўлакларига видео кузатув мосламалари ўрнатиб лойихалансин ;</p> <p><b>Ободонлаштириш</b> – кириш йўлаги брусчатка, йўлаклар ва ўтиш йўллари бетон қопламали, транспорт йўллари, шу жумладан ёнғин хавфсизлик техникаси учун; Дам олиш учун замонавий айвонлар, ўриндиклар, чиқинди ташлаш қутилари ўрнатиб лойихалаш ;</p> <p><b>Мебель-жихозларни</b> – Рўйхат бўйича фойдаланувчи ташкилот тасдиқлаши шарт. Лойиха топшириғи, лойиха талаби, технологияларга асосан сметага киритилсин ;</p>
14		<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 сентябрдаги раёсат мажлисининг 130-сонли баёнининг 4 бандида -Бир хил қувват ва ҳажмдаги объектлар учун ишлаб чиқиладиган лойиха-смета ҳужжатлари яқуни бўйича аниқланадиган қийматлар ўртасида кескин тофовутлар юзага келишига йўл қўймаслик чоралари, лойиха-смета ҳужжатларида қурилиш ва жиҳозлаш ҳажмларини тўлиқ инobatга олмаган лойиха ташкилотларига нисбатан қонунчилик доирасида тегишли чоралар кўрилиши, лойиха-смета ҳужжатларининг сифати ва асосланганлиги ҳамда меъморий ва техник ечимларнинг мақбуллиги юзасидан лойиха ташкилотларининг жавобгарлигини кучайтириш, лойиха-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказишда объектнинг чекланган қиймати аниқ белгиланишини таъминлаш бўйича Қурилиш вазирлиги, вазирликлар, идоралар, ва хўжалик бирлашмалари ҳамда вилоятлар ҳокимликлари (буюртмачилар) билан биргаликда юклатилган ;</p> <p>Лойиха-смета ҳужжатларида юқорида инobatга олинган хато-камчиликларга тофовутларга йўл қўйилса хато-камчиликлар лойихачи ташкилот маблаглари ҳисобидан тўғриланади. Қонунчилик доирасида тегишли чоралар кўрилиши, жавобгарлиги Сизнинг ташкилотингиз зиммасига юкланишини ҳис қилган холда амалга ошириб лойихалаш ;</p>
15	Лойихалаш ишларини бажаришга қўйиладиган талаблар	<p>Лойиха ҳужжатлари бўлимлари, таркиби ва уларнинг мазмуни амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқ бўлиши керак ;</p> <p>-смета ҳисоб-китоблари Ўзбекистон Республикаси Қурилиш Вазирлигининг 2022 йил катологи бўйича прайс листларга асосан амалга оширилсин.</p> <p>Пудратчининг ҳаражатлари 15,51%, буюртмачи ҳаражатлари қўшимча илова қилинади, таваккалчилик коэффициентини–0.</p> <p>Материал ресурсларига транспорт ва омборхона-тайёрлов ҳаражатларини Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2011 йил 30 январдаги 352/11-05-сонли хатига асосан олинади.</p> <p>-Иш ҳужжатлари 1 нусxada экспертизага бериш учун Буюртмачига берилади.</p>
16	Мухандислик изланишлари зарурлиги.	<p>1:500 масштабдаги топографик хариталардан фойдаланилади. Мухандислик геолог изланишлар лойиха таркибида бажарилади.</p>
17	Лойиха ечимларини келишиш.	<p>Ҳудуднинг эскиз схемасида аҳоли пунктининг мавжуд ҳолати ва лойиха таклифлари акс эттирилади.</p> <p>Объектларнинг лойихалари вилоят архитектура бошқармаси, Урганч шаҳар СЭОМ, Урганч шаҳар ФВБ ва тегишли техник шарт берган ташкилотлар билан келишилади, шу жумладан буюртмачи ва фойдаланувчи билан келишиш.</p>
18	Лойиха-смета ҳужжатлари талаби	<p>Лойиха-смета ҳужжатларида йўл қўйилган хато-камчиликлар лойихачи</p>

		ташкilot томонидан бартараф қилинади. Лойиха билан смета хужжатлари ўртасидаги тафовутлар, иш ҳажмлари тўғри келмаслик ҳолатлари учраса лойихачи ташкilotнинг ўз маблағлари ҳисобидан тўғриланади.
19	Атроф мухитни муҳофаза қилиш бўйича талаблар.	Атроф мухитга таъсир баёнотлари (ЗВОС) лойихасини ишлаб чиқиш ;
20	Қурилишни ташкил этиш лойихасини ишлаб чиқиш (ПОС)	Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қоидалар ва қоидаларга мувофиқ ишлаб чиқилади. (ПОС)
21	Фуқоро муҳофазаси ва ФВВ талаблари бўйича муҳандис-техник ишланмалар.	Берилган техник шартлар ва ҚМҚ талаблари асосида бажарилади.
22	Ногиронларни ўриндиқли аравачаларда кириш-чиқиш йўлаклари Пандус	Асосий бинога кириш қисмида ногиронларни аравачаларда кириши учун пандуслар белгиланган тартибда лойиха асосида бажарилсин. Эшиклар остонасиз бажарилсин.
23	Буюртмачига тақдим этиладиган хужжатлар	Тайёрланган барча лойихалар буюртмачига (ЯБХИК), -Ишчи лойиха, 4 (тўрт) нусхада, -Локал ва ресурс сметалари қоғозда 1 (бир) нусхада, -электрон версияси (диск) билан тақдим қилинади.

**“Келишилди”**

Вилоят эндокринология диспансери  
бош шифокори :



Ғ.К.Ғайбов

**“Буюртмачи”**

Хоразм вилояти ҳокимлигининг “ЯБХ”ИК си  
Лойиха бўлими бошлиғи

Р.Машарипов